Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 1 апрель, пайшанба • № 41 (24.436).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Халқаро тинчлик йили

Тошкентдаги Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида «Инсон ҳуқуқлари ва замонавий ахборот воситалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Бюроси раҳбари жаноб М. Барри Лейн иштирок этди. Жаноб М. Барри Лейн ўз маърузасида шундай деди:

— Маълумки, 2000 йил — Халқаро тинчлик ва маданият йилидир. Ўзбекистон йил сайин жаҳондаги тараққий этган давлатлар орасидаги нуфузини орттириб боряпти. Зотан, халқаро тинчликни муҳофаза этишда, умуминсоний маданиятни янада юксалтиришда юртингиз, халқингизнинг ўз улуши борлигига ҳеч шубҳа йўқ. Шу ўринда замонавий ахборот воситаларининг ўрни сўзсиз жуда муҳимдир.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1972-1981 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1999 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 31 март.

Қўшнилар буюртмаси асосида

Янгича ишлаш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатни ошириш Самарқанддаги «Алпомиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг бугунги кундаги асосий шиори. «Ўзавтосаноат» уюшмасига қарашли бу жамоа аҳли айни пайтда гильза ва поршенлар ишлаб чиқармоқда. Трактор ва автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш чора-тадбирлари ҳам кўриляпти. Шу важдан бўлса керак, корхона маҳсулотига эндиликда нафақат республикамиз вилоятларидан, балки қўшни Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Муҳими, эндиликда маҳсулотнинг 60 фоизи хорижга чиқариладиган бўлди.

Умматали ТЎРАХОНОВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Омонатга хиёнат...ми?»

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви «Ўзбекистон овози»нинг 1999 йил 28 январь сонида чоп этилган «Омонатга хиёнат...ми?» сарлавҳали мақоласида келтирилган масалаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, кўрилган чоралар ҳақида қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада қайд этилган масалалар бошқарувнинг 28 январь кунги Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар Халқ банки бошқарма бошлиқлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари савиясини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг биринчи талаблари бўйича турли вазирлик ва ташкилотлар томонидан белгиланган нафақа ва моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш борасида тегишли чоралар кўрилиши тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, мақолада кўрсатиб ўтилган масалаларга аниқлик киритиш мақсадида Халқ банкининг Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган бўлимларида республика бошқаруви мутахассислари томонидан текширув ўтказилди ва мазкур бўлимларнинг бир қатор мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлинди. Ушбу қишлоқ ҳудудида фаолият кўрсатаётган банк бўлимлари фуқароларнинг омонатлари билан муомалаларни амалга ошириш, электр энергияси ва уй-жой коммунал тўловларни қабул қилиш ва бошқа турдаги хизматлари билан бир қаторда, «Болалар» нафақалари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулларини тарқатиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Текширув жараёнида айрим фуқароларнинг «Индексация» махсус ҳисобларидаги пул маблағларини биринчи талаблари бўйича ололмаганликлари аниқланди. Мавжуд камчиликлар жойида тўлиқ бартараф этилиб, қишлоқ ҳудудидаги банк бўлимлари томонидан аҳолига талаб даражасида хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви раиси Ҳ. ЮНУСОВ

Лайлаклар эрта келди



Бу йил лайлаклар ҳар қачонгидан эрта келди. Бобо Самарқанднинг улкан чинорларида, Бухорои шарифнинг асрий минорларида, Сангзорнинг соҳилларида, Зоминнинг Лайлакуя ғўшаларида, Сирдарёнинг қўлмакларида, Чинознинг симустунларида лайлаклар пайдо бўлди. Кўнгилда ажиб таскин: лайлак эрта келди, халқимиз айтганидай, йил баракали, тўйинчилик бўлади. Ишонмасангиз атрофга бир қаранг: барқ уриб ўсаётган ғалла, оламни оппоқ рангга бўяган мевали дарахтлар, яйловларда маъраган қўзилар... Одамларнинг ғайрат билан ишлаётгани тўкинчиликдан башорат. Деҳқон ерга чигит ташлаяпти, кўчатлар ўтказяпти, борингки, шунчалик ишга берилиб кетганки, бориб сафига қўшилгингиз келади. Эртакда ўқиганмиз: лайлак деҳқонга учта тарвуз уруғини берибди, кузда ҳосилни кўрса ичи тўла олтин эмиш. Албатта, фақат уруғнинг хосияти эмас, деҳқон меҳнатининг ҳосиласи ҳам бор!

Боболаримиз айтганидек, баҳорини кўрмаган, кузини тушунмайди. Баҳорда меҳнат қилган деҳқон лайлакнинг хосиятига ишонади. Бу йил лайлаклар эрта келди. Лайлакларни ҳеч ким чўчитмасин, ҳимоя қилсин, қалбида беозор қушларга нисбатан ҳамият балқисин. Омборлар донга, дастурхонимиз нонга, қалбимиз ғурурга, вужудимиз сурурга тўлсин!

Лайлакнинг уясини кузатамиз. Қаноти бор жонзот унинг ошиёни атрофида парвона. У қушлар ҳомийси, самодошларини йиртқичлардан ҳимоя қилади. Ҳўрагидан ортганини беради. Бу сахийлик, меҳрибонлик лайлакка бўлган меҳримизни яна ҳам оширади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Келажагимиз ўзимизга боғлиқ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида фаолият кўрсатаётган «Маънавият» клубининг навбатдаги машғулотида, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» деб номланган, «Туркистон» газетасида чоп этилган, мусоҳабасида кўтарилган долзарб муаммолар юзасидан, қизиқарли мулоқот бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов улар ҳақида маъруза қилди ва йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Миллион сўмлик совға

Нишон туманида 600 нафар ногирон ва кам таъминланган оилаларга бир миллион сўмлик совға-саломлар улашилди. «Нуристон» қўрғонида эса 50 ўринли тўйхона фойдаланишга топширилди, «Пахтаобод» коопертив пайчилик жамияти кўмагида 200 ўринли мактаб қуриб битказилди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газетада босилмади, аммо...

Жиноий иш қўзғатилди

Шаҳрисабз туманидаги «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари томонидан таҳририятга йўлланган ариза вилоят «Пилла» ҳиссадорлик бирлашмасининг мутахассислари томонидан текширилди.

Аризада кўрсатилган далиллар текширишда ўз исботини топди. «Кумуш» ҳиссадорлик жамиятида ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда носоғлом вазият вужудга келган, айрим мансабдор шахслар томонидан жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланган ва айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Тергов натижаларига кўра, айбдор шахслар ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилади.

Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти фаолиятини яхшилаш юзасидан тегишли чораларни кўрмоқда.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф. АШУРОВ

Тараққиёт йўлидаги тўсиқлар

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: «Кейинги пайтларда вилоятда ана шундай кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режани бажариш, шон-шуҳрат қозониш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Пала-партиш иш юритиш, ортиқча харажатлар қилиш натижасида хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи ошиб кетмоқда», — дея таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, 1998 йилда Хоразм вилоятининг жамоа хўжаликларида битта қорамолга ўртача 0,56 гектар ем-хашак майдони, аҳоли хўжаликларида эса битта қорамолга 0,077 гектар экин (!) майдони тўғри келгани ҳолда жамоа хўжаликларида сигирларнинг маҳсулдорлиги 2,4 марта камлиги, битта қорамол бошига 66 кг. гўшт кам ишлаб чиқарилишини, гектар бошига донли экинлар ҳосилдорлиги 12 ц., жумладан шоли ҳосилдорлиги 24 ц., сабзавот ҳосилдорлиги 99 ц., полиз экинлари ҳосилдорлиги 182 ц. узумзорлар ҳосилдорлиги 118 ц кам эканлиги ишлаб чиқаришнинг реал имкониятлари бой берилаётганини кўрсатади.

Вилоят жамоа хўжаликларида битта сигирдан 1995 йилда 2103, 1996 йилда1714, 1997 йилда 1037, 1998 йилда 1073 кг., жумладан январь ойида 1995 йилда 183, 1997 йилда 118, 1998 йилда 101 ва 1999 йилда 97 кг. сут соғиб олинган. 1998 йилнинг 1 январь ҳолатига жамоа хўжаликларида жами 70701 бош қорамол, жумладан 23584 бош сигир бўлганини эътиборга оладиган бўлсак, юқоридаги каби салбий ўзгаришлар оқибатида озиқ-овқат таъминотини яхшилашнинг жуда катта имкониятлари бой берилаётганини кўрамиз. Ахир, ислоҳотлардан мақсад самарадорликни ошириш эмасмиди?

Шундай бир пайтда мажлисларда 1998 йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот қиймати 1997 йилга нисбатан 0,2 фоизга ўсди деб қайд қилинади (бу ўсишнинг сабаблари эса қуйидагича. 1997 йилга нисбатан вилоятда гўшт ишлаб чиқариш 2,4 фоизга кўпайган бўлса, аҳоли хўжаликларида 6,3 фоизга ошган, дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 7,6 фоизга, аҳоли хўжаликларида эса 40 фоизга, сабзавот 5,5 ва 7,3 фоизга, мева 3,1 ва 6,8 фоизга ўсган).

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил май ойида қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни билан деҳқонларга 0,35 гектар майдонда юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз мустақил деҳқон хўжалиги юритиш ҳуқуқи берилган ва буни ҳаётга жорий қилиш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар ҳар йили «палонча деҳқон хўжалиги тузамиз» деб берилган рапортлар, жадваллар билан эмас, балки шундай хўжалик тузиш ҳақида ариза билан тегишли идораларга мурожаат қилаётган, деҳқонлар сони билан ўлчанишини ва бунинг учун бошлиқлар жавобгар эканликларини раҳбарлар тушунадиган вақт аллақачон етди.

1999 йилнинг 1 январь ҳолати вилоят бўйича мавжуд 164 мингдан ортиқ шахсий ёрдамчи хўжаликларидан бор-йўғи 1040 тасигина деҳқон хўжалиги тузиш ҳақида ариза беришган бўлиб, биттаси ҳам рўйхатга олинмаганди...

Йўлбошчимиз 1998 йил 23 декабрда вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан учрашувдаги нутқида, жумладан «Юридик шахс мақоми бўлган деҳқон хўжаликларини шакллантириш, уларга банкда ҳисоб-китоб рақамларини очиб бериш, кредит бериш жараёни жуда чўзилиб кетаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолдир» деганида шу ҳолат тўғрисида, қишлоқ жойларидаги жуда кўп муаммоларнинг ечимини берадиган масалани ҳал қилишга жойлардаги айрим бошлиқлар эътибор беришмаётгани ҳақида гапиргани шубҳасиз.

Жамоа хўжаликларига бир пайтлари давлат корхоналари каби қаралиб, юқоридан белгиланган режаларни қатъий бажариш талаб қилинарди деб гапирганимиз, ёзганимиз ҳолда бугун «жамоа хўжаликлари» ва «жамоа бошқаруви» тушунчалари бир-бирини тақозо этмоқдами? Бугун уларнинг Низом бўйича фаолияти қандай таъминланмоқда? Жамоа хўжаликларининг Намунали уставида бу хўжаликлар бошқа хўжалик субъектлари билан ўз муносабатларини шартнома асосида қурадилар, фойдадан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларини режалаштирадилар деб белгилаб қўйилгани ҳаётда қандай амалга ошмоқда? Меъёрий ҳужжатлар нима учун ва ким учун тайёрланмоқда, «ҳисобот учун ҳисобот»ми? Бу саволларга жавоб излаб кўрайлик.

Хоразм шароитида пахтанинг тез пишиши жуда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда 1983 йилдан кейин воҳа ерларига Амударё суви билан йилига ҳар гектар суғориладиган ерга тупроқ унумдорлигини сақлашда азалдан муҳим омил бўлган 40 тоннача лойқа тушишининг тўхтагани оқибатида экин майдонларининг жуда «ориқлаб» кетгани, алмашлаб экишларга, органик ўғит ишлаб чиқаришга жиддий эътибор бериш талаб қилингани ҳолда беда экини майдони 1996 йилда 1991 йилга нисбатан қарийб икки марта камайиб кетди.

Пахтачиликни қўллаб-қувватлаш — жами ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, бюджет даромадларини, республиканинг валюта заҳираларини кўпайтиришга хизмат қилишини назарда тутиб, деҳқоннинг пахта етиштиришдан моддий манфаатдорлигини таъминлаш зарур ва айни пайтда бу тадбир пахта етиштиришни асосан ҳосилдорлик ўсиши ҳисобига кўпайтириши муқаррардир.

Шу ўринда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари ҳақида тўхталиб, диққатингизни қуйидаги мисолларга жалб қиламиз.

Биринчи жаҳон уруши арафасида 1 пуд пахтанинг баҳоси 3-3,5 пуд буғдой баҳосига тенглаштирилгани учун Фарғона водийсида пахта монокультураси юз берган, 1921-22 йилларда эса Хоразмда 1 пуд пахтанинг баҳоси 1 пуд буғдойга тенглаштирилгани оқибатида деҳқонлар пахта ўрнига ҳам донли экинлар эка бошлаган ва 1922 йилда ерсиз ва кам ерли деҳқонларнинг 2-курултойида пахта тайёрлаш билан шуғулланадиган идораларга хомашёни бозор баҳоларида, яъни 1 ботмон пахтани 3 ботмон буғдой баҳосида сотиб олиш топширилган.

Бугун эса (1999 йил 1 март) 1 тонна буғдойнинг харид нархи 12100 сўм қилиб белгиланган бўлса, 1 тонна пахта хомашёсининг харид нархи 24300 сўм қилиб белгиланган, ҳолбуки 1 тонна шолининг харид нархи 35000 сўм. Айтиш мумкинки, пахтанинг харид нархини буғдойга нисбатан 3 марта кўп бўлишини таъминлаш пахта ишлаб чиқаришни ҳосилдорлик ўсиши ҳисобига кўпайтиришда жуда муҳим омил бўлади.

Маълумотларга кўра, 1998 йилда пахта хомашёсининг харид нархи 1990 йилга нисбатан 27 марта ўсгани ҳолда ёқилғи-мойлаш материалларининг баҳоси 145, минерал ўғитлар баҳоси 124 марта, қишлоқ хўжалиги техникаси баҳоси 165 марта ошган. Шундай бир пайтда вилоятда пахта етиштиришдан деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги қанча ошди?

1996 йилни 30 та жамоа хўжалиги 281 млн. сўм фойда, 96 таси 1,7 млрд. сўм зарар, 1997 йилни 62 та жамоа хўжалиги 363 млн. сўм фойда, 63 таси эса 856 млн. сўм зарар билан якунлаган эди. Ҳисоботларга кўра, 1998 йилни 42 та хўжалик 229 млн. сўм фойда, 86 та хўжалик 2139 млн. сўм зарар билан якунлаган. Бу зарарларнинг сабаби нима? Жамоа хўжаликларининг зарари давлатнинг зарари эмасми? Ҳажм кўрсаткичлари бўйича режалар олдинги йилга нисбатан 0,2 фоизга бўлсада ошириб бажарилганини ютуқ сифатида гапирамиз. Хўжалик учун бундай ўсиш манбаси фойдами ёки зарарми? Зарар бу — емирилиш дегани эмасми?

Бир гектарга 80-йиллар бошида АҚШда 20-25 кг. чигит экилган бўлса, 1998 йилда вилоятнинг баъзи туманларида гектарига ўртача 253-258 кг. чигит қадалган... Жамоа хўжаликларидаги шу каби хўжасизликларнинг сабаби нима? Ҳисоб-китоб билан хўжалик юритишдан кимга зарар, кимга фойда?..

Буларни хаёлимиздан ўтказар эканмиз, юртбошимизнинг 1997 йил 25 декабрда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида хусусан: «(Олдинлари) муҳими, маҳсулот миқдори ва ҳажми эди, бу миқдор ниманинг эвазига келгани ҳеч кимни ташвишга солмас эди, ҳар қандай йўл билан режани бажариш раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилияти, уларнинг сиёсий етуклигининг асосий мезони эди. Шунинг учун ҳам эски психология, баҳолашнинг эски мезонлари асосига қурилган ортиқча сарф-харажат механизми бугун ҳам ишлаб турибди... Бозор муносабатлари ҳар қандай фаолият асосида энг аввало иқтисодий фойда ётишини, ишлаб чиқариш сўзсиз равишда рентабелли бўлишини тақозо этади» деганди. Бу мантиққа вилоят қишлоқ хўжалигида қанчалик амал қилинмоқда деган саволнинг қўйилиши жуда ўринли деб ўйлаймиз.

Аҳоли хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам асосан жамоа хўжаликларининг маблағларига сотиб олинаётган моддий-техника ресурслари эвазига етиштирилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг кўп қисми нодавлат секторида етиштирилаётгани ютуқ сифатида кўп марталаб қайд этилгани ҳолда ушбу секторнинг ривожланиши учун зарур моддий шароитлар яратиш ҳақида амалда ғамхўрлик қилинмоқдами? Деҳқон бугун ҳам (1998 йилнинг июль ойида) бир қоп ўғитни 300 сўмдан сотиб олиб, ғўзанинг «ризқини қирқиб», маҳсулот етиштирмоқда...

Ислоҳот — йиғилиб қолган муаммоларнинг жойлардаги бошлиқлар онгида акс этиши ва уларни бартараф этиш борасида жойлардаги бошлиқларнинг қонунчилик ва уларни бажаришни ташкил қилиш бўйича фидойи фаолияти демакдир. Жойлардаги бошлиқларнинг фидойилиги, маънавий раҳбарлиги нималарда акс этмоқда?

Корхона, ташкилот, шаҳар ёки туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бошқариш — қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборотлар бўлишини, статистик кўрсаткичлар ва маълумотларнинг ҳаётий бўлишини тақозо қилади.

Нима учун пахта ҳосилдорлиги ва ундан тола чиқиши 1961-65 йилларда ўртача 30,6 ц/га ва 33.9 фоиз бўлиб, 1976-80 йилларда 38,8 ц/га ва 31,3 фоизга тушиб қолди ва 1996 йилда 29,1 ц/га ва 31.3 фоиз бўлди? Ҳаётимиздаги кўпгина маънавиятсизликларнинг манбаси бўлган қўшиб ёзишларга, кимўзарга рапортлар берилишига барҳам берилдими?

«Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталарининг 1998 йил 31 октябрь сонларидаги «Режага қўшимча — 500 тонна» номли мақола (рапорт)ни диққат билан ўқиймиз: «Хўжалигимиз пахтакорлари давлат хазинасига 2835 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, йиллик топшириқни барвақт бажардилар. Пахтачиликнинг ўзидан 70 млн. сўм даромад қилинди. Ўнлаб пудратчилар 40 центнер ва ундан юқори ҳосил кўтариб, гектарлар самарадорлигини ошириш борасида катта имконият мавжудлигини амалда исботладилар. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Мавсум охиригача давлатга яна 500 тонна пахта етказиб берамиз» Лекин 1998 йилнинг 23 ноябрь куни ушбу хўжалик жорий йилда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини 90 фоиз (2542 тонна)га бажаргани маълум бўлди...

«Хоразм ҳақиқати» газетасининг 1998 йил 28 октябрь сонида 27 октябрь ҳолатига давлатга пахта сотиш режаси Янгибозор туманида 71 фоизни, Қўшкўпир туманида 71 фоизни ташкил қилгани ҳақидаги маълумотни ўқиймиз. Аммо йил якуни билан ушбу туманларда йиллик режа 64 ва 62 фоизга бажарилганини кўрамиз ва бундан хулоса чиқаришни ўқувчига ҳавола қиламиз.

«Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталарининг 1998 йил 31 октябрь сонларида давлатга вилоят бўйича 230 минг тонна пахта хомашёси сотилгани ҳақида рапортлар берилган бўлса, 1998 йилнинг якуни бўйича режага нисбатан 73 минг тонна кам — 217 минг тонна пахта тайёрланганлиги қайд этилади. Наҳотки, XXI аср бўсағасида шу каби оддий ҳисоб-китобларни ҳам тўғри олиб бориш қийин бўлса? Эртага фарзандларимиз, тадқиқотчиларнинг саволларига қандай жавоб берамиз, ўз маънавиятсизлигимизни нима билан оқлаймиз, умуман олганда шу каби ҳолатларни оқлаш мумкинми?

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Баҳодир РЎЗИМАТОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Ватанпарварлик инсонийлик фазилатининг тожидир

Февраль ойида пойтахтимизда миллатимизнинг азалий табиатига зид воқеалар бўлиб ўтди. Тўғри, халқимиз тарихнинг узун даврида турли жангу жадалларни бошидан кечирган. Аммо, уларнинг барчаси халқ ва Ватан дахлсизлиги, озодлиги учун бўлиб ўтган. Аждодларимизнинг энг баҳодир, энг паҳлавон, энг ёвқур вакилларини ватанпарварлик туйғуси жасоратга ундади. Халқимизни турли суронлардан, турли босқинлардан омон сақлаб қолган, миллат сифатида шакллантирган, улғайтирган, бириктирган туйғу ҳам ватанпарварлик туйғусидир. Замонлар синовида чархланган бу туйғу нега кейинги йилларда айрим юртдошларимиз қалбида сустлашди экан? Ватанпарварлик нима ўзи?

Ватан... Унинг барча хусусиятлари мен учун муқаддас. Ватан бор экан, Ватанпарварлик ҳисси майдонга келади. Ватансиз кишининг кафансиз мурдадан фарқи йўқдир.

Кўпчилик юртдошларимиз телевидение орқали намойиш этилган Кусто командаси томонидан суратга олинган «Мерки» балиғи тўғрисидаги табиат мўъжизасини кўрган бўлсалар керак. Оддий бир балиқ ўзи ёруғ дунёга келган тоғ бағридаги кичкина бир ирмоққа келиб насл қолдиради ва шу ерда жон фидо қилади. Денгиздан шу кичкина ирмоққа етиб келиш учун қанчадан-қанча шаршаралар, турли тўсиқлардан иборат масофани қийноқ-азобларга қарамасдан сузиб ўтади. Ўша оддий бир жонли тўқима ўзининг сўнгги дамларини кечириш учун интилаётганлигини сезар, балки сезмас, бу фан тили билан олимларимиз айтганидек, насли одатдир. Лекин, худди шу ҳолат ватанга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг табиатдаги жонли гувоҳи эмасми? Баъзан ўйлаб қоласан киши. Наҳотки, баъзи бировларда (минг қатла шукрким бундайлар жуда ҳам озчиликни ташкил этади) шу оддий жониворчалик ватанга бўлган интилиш ҳисси бўлмаса? Миллий ғурур, ватан фахрини қалбига жо этолмаса? Она меҳри, ватан меҳри, бу муштарак ёғду барчамиз учун муқаддас эмасми? Меҳрибон ва мунис Она барчамизни шу ватан заминида ёруғ дунёга олиб чиққан-ку. Шу ватан она қўли билан қуёшнинг заррин нурларидан беланчак қилиб мурғак қалбларни авайлаб вояга етказган. Наҳотки, бундан тониб бўлса?! Халқимизда бир ажойиб нақл бор: «Бир марта туз ичган жойингга қирқ марта таъзим қил», деган. Биз Ватан дея унга талпинамиз, уни ардоқлаймиз. Унга бутун борлиғимизни бахшида этишга зарурият сезамиз. Унга нисбатан доимо қўлимиз кўксимизда, таъзимдамиз. Шу ўринда шоирнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушади:

Ғанимлар таҳқирлаб бешафқат,
Онангдан айрилдинг, дедилар.
Тутқинининг кўзида, бетоқат,
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.

Кўз ёшлар боиси — ғам, алам,
Ёрингдан айрилдинг, дедилар.
Кўзига боқдилар, шод, хуррам —
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.
Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
Ватандан айрилдинг, дедилар.
Ва унинг кўзида сўнгги дард —
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Бир қалқди...
Жон эди ўша ёш!

Миллат ва маънавият

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди», деган моддаси мамлакатимиз ҳукумати томонидан бекаму кўст бажарилаётганлиги барчага аён. Бу тарихий далилни жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этаётганлиги Ўзбекистон инсонпарварлик ғояларига содиқлик билан амал қилинаётганлигининг ёркин намунасидир. Бу борада шубҳага ўрин бўлиши мумкин эмас. Мустақилликка эндигина эришган пайтларда Президентимиз томонидан «пахта иши» ниқоби остида озодликдан маҳрум этилган юртдошларимизни тезлик билан ватанига қайтаришга жонбозлик кўрсатилгани эсдан чиқадиган воқеа эмас. Негаки, ўша даврда бунданда бошқа мустақиллик одимларининг моҳирлиги муаммолари тахланиб турган замон эди. Ватаннинг ўз фуқароларига меҳр-мурувватти намунаси эмасми, бу? Хўш, биз унга қандай муносабатда бўлаяпмиз? Унга ижобий жиҳатдан мамнунлигимизни, эътиқодимизни қай йўсинда бахшида эта олаяпмиз?

Албатта, ҳар ким имконият даражасида ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этади. Энг асосийси, унинг сидқидиллик даражаси муҳимдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз фуқароларининг бурчларидан бири «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир», дея Асосий Қонунда белгилаб қўйилган.

Кишиларни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш имкониятларидан бири бу ҳарбий хизмат бурчини ўташ жараёнидир. Айни шу вазиятда уни самаралироқ амалга ошириш мумкин.

Зеро, фуқаролик бурчларида таъкидланганидек, «Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар». Қонун эса барча учун баробардир. Муҳофаза ишларида иштирок этувчиларда Ватанпарвалик ҳиссининг мавжудлиги энг асосий мезонлардан бўлиб ҳисобланади. Бундай сифатга эга бўлмаган кишиларга шу қадар масъулиятли, муқаддас ишни ишониб бўлмайди.

Мазкур вазифани муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан мактаблар, олий ўқув юртларидаги, умуман жойлардаги ҳарбий билим ва малакалар берувчи жамоалар ҳамда ҳарбий комиссариатлар иш фаолиятининг пишиқлиги ва самарасига боғлиқдир. Улар бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қанчалик ўз билим ва малакаларини ёшларга ўтказсалар, ўқитиш, ўргатиш, машқ қилиш усулларини янада такомиллаштирсалар, бу жараёндан, жинсидан қатъи назар, бирор кишини четда қолдирмасалар, олиб бораётган ишлари шунчалик кўламли бўлади.

Эгалланган билим, кўникма ва малакалар йигитларимизнинг муқаддас бурчи, ватанимиз муҳофазаси учун ҳарбий хизматни ўташ жараёнида асос бўлиши табиийдир. Мазкур ишларни сифатли ва пухта амалга ошириш шу соҳа мутасаддиларидан жиддий эътибор ҳамда назоратни талаб қилади.

Негаки, ҳар бир ҳарбий хизмат ёшига етган ўспирин ҳарбий хизматга мажбурийликдан эмас, ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва юрт осойишталиги учун бел боғлаганлигини тўғри тушуниб етсин. Унинг ортида она-Ватан, ота-онаси, жигаргўшалари, эл-юрт турганлигини жиддий ва қалбдан ҳис қилсин. Шундагина у янада улғаяди, иродаси мустаҳкамланади, жамоа билан яшаш малакаси, ватанга ва дўстга содиқлик туйғуси уйғунлашади.

Баъзан оила юмушлари билан бозор-ўчарда, савдо масканларида бўлганда айни пайтда тижоратда эмас, бошқа, ўзи ва жамият учун фойдалироқ бўлган жойларда бўлиши керак бўлган ўспирин йигит-қизларга, айниқса, айрим мактаб ёшидагиларга кўзингиз тушади. Шунда фарзандларимиз турмуш ташвишларига, маиший соҳага (тўғрироғи, енгил пул топишга) эртароқ ўралашиб қолмаяптимикан деган ўй кечади хаёлдан. Ваҳоланки, инсоннинг болалик пайти билим олиш кўникмаларини тез қабул қиладиган давр ҳисобланади. Бу даврни билим олиш билан бойитиш лозим, бозор билан эмас.

Хўш, бунга ким айбдор. Бизнинг баъзи ҳоллардаги бепарволигимизми, ота-оналарнинг фарзандлари келажагини унчалик ҳам ўйламаётганларимиз? Ўтиш даврининг қийинчиликлари бир умрлик, абадий эмас-ку! Наҳот буни тушуниб етиш баъзи бировлар учун шунчалар қийин бўлса? Пул кетидан қувган ўспиринда ватанпарварлик ҳисси қаердан пайдо бўлсин. Унинг хаёлидан қандай бўлмасин, ҳар қандай йўл билан бўлса-да пул топиш, бойлик тўплаш, жамоадан, ватандан бегоналашув каби иллатлар жой олади.

Жойлардаги ўспиринлар билан ишлаш ҳуқуқ-тартибот, маънавият-маърифат жамоалари, маориф ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, иш билан таъминлаш ташкилотлари ва бошқа шу соҳа мутасаддилари бу иш билан жиддийроқ шуғулланишлари лозим.

Мақсадимиз Ватанимизни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариб, унинг жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллашига эришишдир. Диёримиз аҳлининг миллати, ирқи, диний мазҳабидан қатъи назар бир тану бир жон бўлиб қилаётган яратувчанлик меҳнати, Ватанга бўлган содиқлиги асл фарзандлигининг белгисидир. Бу миллатлараро дўстликнинг, ҳамжиҳатликнинг, бир ватан фуқароси сифатидаги муштаракликнинг жаҳон тажрибасидаги намунасидир. Биз эътиборимизни қаратган жузъий муаммоларга ўрин бўлмаслиги учун кураш эса барча Ўзбекистон фуқароларининг умумвазифасидир.

Ўрол АБИЛОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

«Ҳар бир партия аъзоси фаол бўлсин!»

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми якунларидан келиб чиқадиган ва вилоят партия ташкилотларининг бугунги кундаги муҳим вазифалари муҳокама этилди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ҳамро Эрматов маърузаси тингланди.

Нотиқ бугунги кунда Сурхондарёда 35 мингдан зиёд ХДП аъзоси борлигини қайд этиб, партия аъзолари Президент Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган одил сиёсатга, иқтисодий ислоҳотлар йўлига ҳисса қўшишлари лозимлигини уқтирди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Вазифалар кўлами кенг

ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят кенгашининг биринчи котиби Р.Ботиров ЎзХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган, вилоят партия ташкилотларининг галдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди. Пленумда, шунингдек, кенгаш ижроия бюросининг ҳисоботи, партия бюджетининг ўтган йилдаги ижроси ва жорий йилдаги лойиҳаси, вилоят, шаҳар ва туман партия конференцияларини чақириш, ҳудудий ҳамда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказишга доир масалалар муҳокама қилинди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар булардан ташқари Аёллар йилида хотин-қизларнинг жамиятдаги ва турмушдаги ўрнини янада фаоллаштириш, уларга чинакам ғамхўрлик кўрсатиш хусусида гапирдилар.

Пленумда вилоят ҳокими F. Дилов сўзга чиқди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Таҳлил ва режа

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят кенгашининг биринчи котиби Илҳом Умрзоқов «Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиши ва ривожланиши ҳамда ЎзХДП ташкилотларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Пленумда шаҳар ва туман партия конференцияларини чақириш, ХДП ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш, хотин-қизларнинг жамият ва партиядаги мавқеини ошириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларини шу кун талаблари даражасида ташкил этиш масалаларига ҳам эътиборни қаратдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП МК Мафкуравий ишлар бўлими мудири С. Қурбонов сўзга чиқди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Диққат, янгилик!

Темир ўрнига PPRC — TYP-3

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёга кўз тутди, дунё эса Ўзбекистонни таниди. Шу билармон доираларнинг келдик-кетдиси изга тушди. Ва бунинг натижаси ўлароқ республикамизда бир қанча қўшма корхоналар ишга тушди. Уларнинг маҳсулотлари бугунги кун иқтисодига, келажак пойдеворига муҳим замин яратмоқдаки, буни ҳар қадамда сезиш мумкин.

Яқинда Қибрай туманида туркиялик ишбилармонлар томонидан яна бир корхона — «НУР АРТ» заводи қурилди. У ерда турли ҳажмдаги — айланаси 20, 25, 32, 40 миллиметр бўлган PPRC — TYP-3 (полипропиленрандомкополимер) қувурлар ишлаб чиқарилади.

Агар муқояса қиладиган бўлсак, бу қувурларнинг уйларимизда ўрнатилган «канализация» ва сантехника қувурларидан фарқи ва афзаллиги шундаки, темир қувурлар атиги 10 — 15 йилга чидаса, янги технология асосида ишлаб чиқарилаётган PPRC — TYP-3 қувурлари эса узоғи билан 130 йилга чидайди. Бундан ташқари -45 даража совуқ ва +95 даража иссиққа ҳамда 20 атмосфера босимга бемалол бардош беради. Ҳаммасидан энг зўри ушбу қувурларнинг кўриниши жуда кўркам, гигиеник жиҳатдан соф, ҳидланмайди, темир қувурлардек коррозияга учраб чўкимталар ҳосил қилмайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодий самарадордир. Ўрнатилиши эса оддий ва осон, яъни қувурларнинг бир-бирига уланиши атиги 6 сония вақт олади холос.

— Завод бир йилда 2,5 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди директор жаноблари Айхон. — Хомашёни Туркия орқали Германиядан олиб келамиз. Тўғри, бунақада маҳсулот таннархи қимматга тушиб кетади-ку, деган савол туғилиши табиий. Бироқ нима бўлгандаям темир қувурларга қараганда бу турдагиси 15 — 20 фоиз арзонга тушади. Қолаверса, юртингиздаги мустақиллик шарофати ила жамиятда онг ўзгарди, тафаккур ўсди, шу билан бирга яшаш тарзларингиз ҳам. Яшаш тарзингиз жаҳон стандартларига тенглашиб бормоқда. Шоҳона яшаш, тўғрироғи, инсондек яшашга бўлган интилишни ҳар бир фуқароингиз қалбида жўш ураётган туғёндан-да билса бўлади. Шунинг учун бироз қимматдек туюлса-да, бизнинг чиройли, бежирим маҳсулотларимизга эҳтиёж сезиларли даражада ўсмоқда. Буни ҳисобга олиб, кейинчалик маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўтарамиз ва айланаси 3 метру 60 сантиметр бўлган улкан PPRC — TYP-3 қувурларни-да ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Иншооллоҳ, ана шунда занг босган, ичи чўкимталарга тўла қувурлар ўрнини янги, инсон саломатлигига умуман безарар полипропиленрандомкополимер қувурлар эгалласа ажабмас. Яна шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, ҳозирданоқ қўшни республикалардан маҳсулотга буюртмалар олганмиз.

Корхона қисқа вақт ичида Туркия, Германия, Малайзия, Сингапур ва Англия сингари давлатларнинг стандарт сертификатларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Демак, буни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган яна бир маҳсулотга хориждикларнинг юксак эътирофи, юқори баҳоси деб тушуниш мумкин. Зеро, яратувчилик жўш урган жойда эътирофлар ортиб бораверади.

Алимқул СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Конференция бўлиб ўтди

Яқинда Халқ демократик партиясининг Юнусобод туман кенгашида «Мақсадимиз — Ўзбекистонда демократик адолатли жамият қуриш» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши биринчи котиби Учқун Шойимқулов кириш сўзи билан очди. Конференцияда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсмен) Сайёра Рашидова, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази аъзоси Жуманазар Холмўминов, исломшунос олим Қобил қори Одилжон ўғли Тошпўлатов сўзладилар.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Партия хабарлари

Ватанга муҳаббат туйғуси билан

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг XVII пленумида Жўқорғи Кенгес Раиси, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, вазирлар, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок қилдилар. Пленумда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан ва ЎзХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида фикр юритдилар.

Пленум хотин-қизларнинг жамиятдаги ва партия ташкилотларидаги мавқеини ошириш, бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳамда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман ташкилотлари конференцияларини ўтказиш, сайлов тадбирларига тайёргарлик кўриш бўйича вазифаларни белгилади.

О. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

Балиқчи туманидаги Х. Эргашев номли жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Аҳмаджон Ҳожиев бугунги кунидан мамнун.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Кўнгиллар равшан тортди

Умумхалқ байрами Наврўз йилдан-йилга катта шодиёна билан ўтаяпти, халқ сайлига айланмоқда. Тошкент тумани Масалбой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Ўзбекистон» маҳалласида ҳам Наврўз шодиёнаси бўлиб ўтди.

Маҳалла байрамида кўплаб меҳмонлар қатнашдилар. Дастурхонга сумалак, кўк сомса, чучвара, янги узилган помидор ва бодринглар тортилди. Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов раҳбарлигида келган Ҳамза номли Академик драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ўз ижодини намойиш қилишиб, қатнашчиларни мамнун этишди.

Юнус ЗИЁДОВ

Анжуман ва тақдимот

Наманган вилояти ҳокимлигида «Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тамойиллар ва уларнинг Ўзбекистон шароитида қўлланиши» мавзуида анжуман бўлди.

Унда БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси миллий мувофиқлаштирувчиси, профессор А. Саидов, мазкур лойиҳа бош техник маслаҳатчиси, профессор Нур Фароғатлар йиғилганларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Шунингдек, Наманган Давлат университетида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Гап бундай бўпти

Деновда ҳоким Тилло Менглиевдан тортиб, барча катта-кичик раҳбарлар туман газетаси «Чағониён»ни Зойир Мамажоновнинг газетаси дейишади. Бу эътироф замирида ўзига хос маъно бор.

«Чағониён» республикамиздаги туман газеталари ичида энг кўп нусхада чоп этилади. 9000та газета бир кунда ўз ўқувчиларини топади. Обуна ҳам таҳририятнинг ўзида ҳал қилинади. Газетани матбуот тарқатиш уюшмаси эмас, чағониёнчиларнинг ўзлари тарқатадилар. Бу ходимлар ҳамда таҳририятнинг иқтисодий жиҳатдан бойиб бориш учун мақбул йўл.

Куни кеча газета муҳаррири Зойир Мамажонов билан телефонлашдик.

— «Ўзбекистон овози»да «Журналист текшируви» рукнида берилаётган айрим таҳлилий-танқидий мақолаларни «Чағониён»да ҳам кўчириб босиш истагимиз бор, — деди у.

Газетамизда эълон қилинаётган шу тахлит мақолалар бир туманнинг ўзида 9000 хонадонга кириб борса ёмонми? Ҳар бир оилада эса 4-5 нафар киши «Чағониён»ни мутоала қилиши шубҳасиз.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Журналист текшируви

Таъмагирлик гирдобида

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани ўз салоҳияти ва нуфузига эга. Туман меҳнаткашлари қадоқ қўлли, деҳқончилик сир-асрорларини беш бармоқдай биладиган инсонлар. Туман бир пайтлар пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида нафақат вилоят, балки республика бўйича етакчи ўринларда турарди. Лекин, кейинги йилларда бу шуҳрат сўнди, барҳам топди.

Гапни узоқдан олмай, мақсадга кўча қолайлик. Туманга 1996 йилнинг бошида Мухтор Ёрқулов ҳоким бўлиб келди. У ишни одамлар қалбига йўл топиш, пахта усталарининг бой тажрибаларидан унумли фойдаланиш ва ислоҳотларнинг ойдин йўлларини кўзлаб аниқ мақсадлар тузишдан бошласа бўларди. Лекин, бундай қилмади.

У одамларга Тошкентдай жойдан ишга келганлигини рўкач қилиш билан банд бўлди. Иш ўрнига мажлисбозлик, тантанабозлик ва ваъдабозликдан нарига ўтмади. Натижада, туманда кейинги йилларда пахта, ғалла ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Кўзда тутилган кўплаб режалар амалга ошмай, хўжаликлар қарзга ботиб қолди. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятлари асоссиз равишда текшир-текшир қилинавергандан кейин мулкдорларнинг қўли ишдан совиди, айрим раҳбарлардан кўнгли қолди.

Ўтган йили ҳам пахта тайёрлаш режаси барбод бўлди. Маълумотномаларда пахта кўрсаткичи тахминан 90 фоиз атрофидаю, аммо... Ҳамма жойда пахтачиликда қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги очиқ-ойдин гапирилмоқда.

Туманда иқтисодиётнинг бундай ночорлиги, қишлоқ хўжалигидаги самарадорликнинг пасайиб кетиши ҳоким Мухтор Ёрқуловнинг юритган фаолияти, иш услуби ва ўз манфаатини одамлар манфаатидан устун қўйишидан эмасмикин?! Кишини ўйташвишга соладиган бу саволга кибр-ҳаво, бойлик тўплаш касалига дучор бўлган ҳокимнинг фаолиятидан жавоб топса бўладигандай.

Эркин ҚИЁМОВ, Кадан қўрғонидаги хусусий автосервис корхонаси эгаси:

— Ўтган йили ёз ойларининг бирида Ёрқулов корхонамизга келди. Менга қабулига боришимни уқтирди. Эртасига эрталаб ҳокимликка бордим. Қабулхонада кун бўйи кутдим, чақирмади. Мен эса нима гуноҳ қилдим экан, деб азобланардим. Ниҳоят, бир келасиз дегандингиз, дедим астагина. У эса портлаб кетди:

— Кўтар техника-пехникангни! Автосервисни бўшатиб қўй. Эртадан бошлаб мен у ерда сенларнинг қадамларингни ҳам кўрмай. Бундан кейин у ерда менинг автосалоним бўлади! Банкда счет очиб қўйганман. Мабодо ўзларинг кетмасаларинг...

Мен корхона хусусийлаштирилганлигини тушунтирмоқчи бўлдим. Ҳоким эса баттар тутоқди:

— Сен билан ади-бади айтишгани вақтим йўқ, тушундингми! Тамом-вассалом! Ким билан гаплашаётганлигингни унутиб қўйдингми?! Барибир ишлагани қўймайман. Эртага солиқчилар, индинига СЭСчилар, кейин ўт ўчирувчилар текширишга боради.

Ёрқулов ўз сўзида турди, кўп ўтмай унинг одамларидан бири, туман солиқ инспекцияси ходими Аҳмад Маманов ташриф буюрди. Айтиб туриб тушунтириш хати ёздириб олди. Мени хонага киритмади. Туман ички ишлар бўлимидан масъул мутахассисларни чақирди. Иш вақтида спиртли ичимлик ичганликда айблаб медэкспертизадан ўтишга мажбур қилди. Устахонани эса муҳрлади. Мен Маманов устидан туман ички ишлар бўлими бошлиғига арз қилдим. Аммо, жавоб ололмадим. Прокуратурага мурожаат қилдим. Ана шундан кейингина менга устахонамни очиб беришди.

Йил охирида янги ҳужум бошланди. Ноябрь ойи эди. Ёрқулов мени чақиртирди. Келганимда у: «Дам олишга кетаяпман, «Нексия»да бормоқчиман. Ремонт қилиш керак», деди.

«Нексия» туман машинатрактор паркига қарашли хизмат машинаси экан. Унда ҳокимнинг арзанда ўғли юрган. Машинанинг олд ойнаси ёрилган. Кўпгина механизмларини алмаштириш керак эди. Икки кун Самарқандда машина таъмири билан шуғулландим. Мотор ёғи, фильтр, эҳтиёт қисмлар, ўзингиз биласиз, анчагина пул туради. Чўнтакни енгиллаштиришга тўғри келди. Ана шундай, машинани Ёрқуловнинг ўғли минади, таъмирлашни эса мен қилишим керак. Унинг хизмат машинасини ҳам, қариндошларининг машиналарини ҳам таъмирлаб бераман. Тағин бепул.

Яна бир марта ўзининг чақирувига кўра борганимда ҳоким бақириб берди:

— Уч кундан буён машинам тўхтаб турибди. Нега сен бу билан қизиқмайсан?!

Бунинг учун имкониятим йўқлигини айтганимда Ёрқулов жияни — солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосарига қўнғироқ қилди ва бизга текширув юбортирди. Жиян — Абдухолиқ Тожиев эса бу гал текшириб ўтирмади. Устахонани муҳрладию, кетаверди. Бир ой ишсиз юрдим.

Юрий НИКИТИН, кислород ишлаб чиқарадиган «Прогресс» корхонаси бошлиғи:

— Солиқларни тўлайман. Байрамларда ногиронлар ва уруш қатнашчиларига хайрия сифатида дастурхон безайман. Имконият даражасида моддий ёрдам кўрсатаман. Бошқа хайрия тадбирларида ҳам қатнашаман. Аммо, барибир текшириш устига текшириш келаверади:

Ҳа, айтгандай, бир куни ҳокимнинг уйи қурилишига кислород беришдан бош тортгандим. Бепул бераверишга жонга тегди-да! Ҳали бири келса, кейин иккинчиси...

Юрий амакининг фиғони кўкка чиққанича бор. Ёрқуловнинг Чиғатой қишлоғида қад кўтарган данғиллама қўшқавват ҳовлисига қанча пишиқ ғишт, цемент, қимматбаҳо дераза ва эшиклару бошқа қурилиш материаллари қайси ҳисобдан, ҳокимнинг қайси маошидан кетганлигига қилиқ ёрқ ёрадиган тафтишчилар аниқлик киритар. Қўшқаватли кошона бор-йўғи 3-4 ойда қад кўтарган.

Ёрқулов ҳокимлик даврида айш-ишрат қилиш, ўзини йўқотиш, оёғи ердан узилиш касалига дучор бўлмай оддий одамлар қаторида яшаса бўларди. Бўлмаса, журналистлардан бирига: «Ҳоким бўлиб битта пиёлам иккита бўлгани йўқ»,— дея арз қилмасди-да.

Тумандаги «Асалчи» хўжалиги ҳокимнинг 1997 йил 4 апрелдаги 97/04 рақамли қарори билан тузилган. Ҳужжатларда «Жамоа хўжалиги» деб юритилган бу хўжалик ҳоким бошчилигида 3-4 нафар кишига нон, егулик, ширинлик бўлган.

Хўжаликнинг умумий экин майдони бир ҳужжатда 114, иккинчисида эса 118га. деб кўрсатилган. Бундан ташқари, 10 га ерга пахта, 22,5 гектарга шоли, 1,5 гектарга полиз маҳсулотлари экилган. Етиштирилган маҳсулотлар ерда ҳам, қўкда ҳам йўқ! Бундан хўжалик раҳбари Ҳамид Мелиев, ўринбосари Рустам Ёрқуловлар ҳам ҳайрон. Фақат «катта»дан сўрангизлар, дейишдан нарига ўтмайди.

Туманда ҳоким бошчилигида ошна-оғайничилик, қариндош-уруғчилик касаллиги авж олган. «Касаллар»нинг исми-шарифини ва мансабини узундан-узун рўйхат қилишга истиҳола қилдик.

Мухтор Ёрқуловнинг қилмишлари ҳақида вилоят газеталарида танқидий мақола босилди. Вилоят прокуратураси жиноий иш қўзғагач, у ҳокимликдан бўшатилди. Шу боис, бу қилмиш-қидирмишларни республикамиздаги нуфузли газета бўлган «Ўзбекистон овози»га олиб чиқишга ҳожат бормикин, дея кўп ўйладик, тағин бир қарорга келдик. Мамлакатимизда Мухтор Ёрқуловга ўхшаган айрим нопок раҳбарлар йўқ дейишга ким кафолат беради. Уларга ушбу мисолдан сўнг муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан қуйидаги жумлаларни эслатиб қўйиш лозим эмасмикин:

«Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати қанча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди. Очкўзлик гирдобига, таъмагирлик комига тушади. Худди дуо кетгандай. Лавозим, вазифа ҳақида гап кетганда, каттами-кичик, тасдиқланиш олдидан текшириб чиқилади. Олдинги фаолияти меҳнаткаш оилада тарбия олган, билими ҳам етарли, ҳаракати ҳам бор. Зиммасига олаётган маъсулияти ҳақида гапиради, катта-катта ваъдалар беради. Лавозимга ўтиргандан кейин эса кўпи билан бир-икки йил ишлайди, сўнг мутлақо ўзгариб кетади».

Ҳайдар БОЗОРОВ,
журналист,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий банк:

Молиявий йил якунлари ва келажакдаги вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда Миллий банкнинг 1998 йилда олиб борган фаолияти якунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 1999 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишлаб 16 февралда ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқувчи банк олдидаги вазифалар кўриб чиқилди.

Миллий банк бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи З. Мирхўжаев маърузасида, мажлис иштирокчиларининг нутқларида 1998 йил Миллий банк учун ҳукумат қўйган вазифаларни амалга ошириш доирасида янада жўшқин ривожланиш даври бўлганлиги таъкидланди.

Хусусан, йил давомида Миллий банк орқали жаъми 800 млн. АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилди. Банк кредит портфелининг 85 фоизи иқтисодиётнинг реал шўъбасига инвестицияларни ташкил этади. Банк ўз баланси ишончлилигини дадил сақлаб турибди. Хусусан, кредитларнинг 91,8 фоизи биринчи тоифали кредитлар, деб баҳоланганн ҳамда муддати ўтган қарзлар кредит портфелининг мингдан бир қисмидан камроғини ташкил этгани ҳам шундан далолат бермоқда. Кредит портфели таркибида банкнинг ўз маблағлари улуши барқарор ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 26 фоиз ўсди.

Миллий банк 1998 йилда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишларини фаоллаштирди. Бу фаолият биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги шўъбасида қизғинлашди. Мазкур ишлар 119 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция лойиҳаларини саралаб олиш ҳамда уларни ЕТТБ ва ОТБ каби халқаро молия муассасалари очган кредит йўналишлари ҳисобидан молиялаш йўли билан олиб борилди.

Банкнинг фонд бозоридаги ва бевосита инвестициялар бозоридаги фаоллиги ўсмоқда. Миллий банк инвестиция портфели республикамиздаги 48 та йирик корхонанинг умумий қиймати 3,3 млрд. сўм бўлган акцияларини ўз ичига олган.

Банк активлари ҳажми бир йил ичида 42 фоиз ортди. Мижозлар 2,2 баравар кўпайди.

Бир йил давомида бўлимлар ва филиаллар сони 43 тадан 83 тага етди.

1998 йилда банк чакана бозордаги операциялар билан фаол шуғуллана бошлади. Аҳолининг омонатлардаги жамғармалари ҳажми 6 баравар кўпайди. Бу ҳолат Миллий банкка мамлакатимиз фуқароларининг миллий валютадаги жамғармалари ҳажми бўйича Халқ банкидан кейин иккинчи ўринни эгаллаш имконини берди.

Банкнинг оқилона консерватизмни фаол инвестиция сиёсати билан уйғунлаштириш қоидасига асосланган стратегияси тўғрилигини ўтган йил натижалари яна бир бор тасдиқлади. Осиё, Жанубий Америка ва Россиядаги молиявий тангликлар оқибатида жаҳондаги кўплаб банклар ва молия муассасаларининг даромади камайиб, ҳатто баъзилари банкрот бўлган бир пайтда Миллий банк ишончли молия тузилмаси сифатида ўз мавқеини сақлаб қолди. Миллий банк жаҳондаги 50 та энг ишончли банк орасида етакчилик қилиб, ишончлилик рейтинги (BIS) бўйича иккинчи ўринни ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Айни пайтда банк бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида банк фаолиятининг айрим жиҳатлари, хусусан, республикамиз минтақаларида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида етарли иш олиб борилмаётгани, янги очилган филиалларда бажарилаётган операциялар сони жуда суст кўпаяётгани, банкнинг вилоят ва туман бўлинмаларида ходимлар касб даражаси етарли эмаслиги, мижоз корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда уларга яхши ёрдам берилмаётгани қаттиқ танқид остига олинди.

Мажлисда банк фаолиятининг якунлари танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди, мамлакатимиз Президенти И. Каримов Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда қўйган устувор вазифалар билан таққослади ва шу асосда банк бошқаруви 1999 йил учун ўз фаолиятининг қуйидаги устувор вазифаларини белгилаб олди:

1. Иқтисодиётнинг таркибан қайта қурилишини ва 1999 йил инвестиция дастури амалга оширилишини таъминлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни фаол жалб этиш.

2. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун янги хорижий кредит йўналишлари очиш ҳамда республика минтақаларида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини саралаш ва молиялаш ишларини фаоллаштириш.

3. Миллий банкни хусусийлаштириш ва унинг акциядорлари сафига етакчи халқаро стратегик институционал инвесторларни жалб этиш чора-тадбирлари режасини амалга ошириш.

4. Хорижий кредиторлар ва инвесторлар учун энг муҳим кўрсаткич бўлган Миллий банк ишончлилиги ва юксак даражадаги ликвидлигини бундан буён ҳам таъминлаш.

5. Миллий банк тизими ходимларини тайёрлашга доир ишларни тубдан такомиллаштириш, банкнинг минтақавий тармоғи олиб бораётган фаолиятнинг профессионал даражасини ошириш.

6. Мамлакат молиявий шўъбасини институтционал ривожлантириш борасидаги комплекс дастурда фаол қатнашиш.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Р. Азимов қатнашди ва сўзга чиқди.

Миналардан тозаланди

Хитой билан Вьетнамнинг чегарадош худудларини миналардан тозалаш борасида ўтказилган навбатдаги тадбир якунланди. Тадбир давомида 600 мингдан ортиқ мина зарарсизлантирилди.

Маълумотларга қараганда, бу тадбир Хитойнинг Юнан вилоятида ўтказилган. Умуман, ушбу вилоятни миналардан тозалаш тадбири 1997 йилнинг декабрида бошланган эди. Хитойлик ҳарбийларнинг айтишича, ҳозир бу худуд миналардан деярли тўлиқ тозаланган.

Вьетнам қуролли тўқнашуви даврида икки мамлакат чегара худудларига жуда катта миқдорда мина қўйилган эди.

Дипломатлар жўнатилди

Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги Албания ва Македонияда вақтинчалик дипломатик миссиясини очишга қарор қилди. Бу мамлакатларга шошилинч равишда норвегиялик дипломатлар жўнатилди.

Бундай вақтинчалик дипломатик марказларни очишдан мақсад Косово можароси ҳақида кўпроқ ва ишончли ахборотларни олиш ҳамда ўлкадаги қочқинлар аҳволидан доимо хабардор бўлишдир, деди Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебэк. Маълумки, у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг раиси ҳамдир.

Ҳиндистонда зилзила

Ҳиндистон шимолида кучли зилзила юз берди. Ер силкинишининг кучи рихтер ўлчови бўйича 6,8 балла етди. Табиий офат натижасида 110 киши ҳалок бўлган, 300 дан ортиқ киши жароҳатланган. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг таъкидлашича, қурбонлар яна ҳам кўп бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, у қадар катта бўлмаган Чамоли шаҳарчаси ҳамда 14 та қишлоқ бутунлай вайронага айланган. Табиий офат натижасида қариб 50 минг киши бошпанасиз қолди.

Сиёсий бошпана берди

Яқинда истеъфога чиққан Парагвай Президенти Раул Кубасга уй қамоғи таҳдид солиб турган бир пайтда, Бразилия ҳукумати унга сиёсий бошпана берди. Маълумки, Парагвайнинг собиқ диктатори Алфредо Стресснер ҳам ўн йилдан буён шу мамлакатда истиқомат қилиб келмоқда.

Парагвайнинг янги Президенти Луис Анхел Гонсалеснинг айтишича, Раул Кубаснинг ўз ихтиёри билан истеъфо бериши олиб борилган музокараларнинг амалий натижасидир.

Ўз номзодини қўймайди

Америкалик таниқли сиёсатчи Жесси Жексон 2000 йилда бўладиган президент сайловида ўз номзодини қўймаслигини маълум қилди. У бундан буён ўзининг барча имкониятларини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтиришга қарор қилганини айтди. АҚШ вице-президенти Алберт Гор 57 ёшли сиёсатчининг мазкур қарорини қўллаб-қувватлади.

Маълумки, Ж. Жексон илгари ҳам икки маротаба президент сайловида қатнашган эди. Ўша даврларда Ж. Жексон ғалабани қўлга кирита олмаса-да, миллионлаб фуқароларнинг овозини олишга муваффақ бўлган эди. Кузатувчиларнинг фикрича, Ж. Жексоннинг навбатдаги сайловда қатнашишдан воз кечгани вице-президент А. Гор учун гоят фойдалидир. Энди унинг демократлар партиясидаги рақиблари сони биттага камайди. Президент сайловида бу партиядан А. Гордан ташқари, нью-жерсилик собиқ сенатор Билл Бредли ҳам қурашади.

Ишсизлик рекорд даражада

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда қайд этилишича, Японияда ишсизлик кейинги 46 йил давомида рекорд даражага чиқди. Иқтисодий режалаштириш бошқармаси вакилининг маълум қилишича, бутунги кунда мамлакатдаги ишга қобилиятли эркакларнинг 4,7 фоизи, аёлларнинг эса 4,6 фоизи ишсиз экан.

Япония меҳнат вазирлиги маърузасида айтилишича, айни пайтда ҳар 100 нафар ишсизга бор-йўғи 49 та бўш иш ўрни топилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ



Барча саволларингизга Ўзмиллийбанк Пул муомаласи бош бошқармасининг Омонат операциялари бошқармасидан жавоб олишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: 137-62-83.

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА АҲОЛИ УЧУН ОЧИЛАДИГАН ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ БЕЛГИЛАНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1999 йил 15 февралдан бошлаб аҳолининг сўмдаги омонатлари бўйича фоиз ставкалари қуйидагича белгиланди:

"Талаб қилиб олингунча" депозити	**йилига 12%**
"Сўм пластик карточкаси" депозити	**йилига 35%**
Муддатли омонатлар:	
"Оксокол", "Меҳрибон она" (муддати 1 йил)	**йилига 25%;**
"Тўёна"(муддати 2 йил)	**йилига 30%;**
"Сарпо" (муддати 2 йил)	**йилига 31%;**
"Таътил" (муддати 3, 6, 9, 12 ой. Ҳар ойда капитализация қилинади)	**йилига 30%;**
"Муддатли" (муддати 5 йил)	**йилига 40%;**

1999 йил 15 февралдан эътиборан, сақлаш муддати 1, 2, 3 йиллик ҳамда қўшимча бадаллар киритиш мумкин бўлган 2 йил муддатли депозитларга маблағ қабул қилиш тўхтатилади.

NBU

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 1 aprel, payshanba • № 41 (24.436).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Рекорд ўрнатиб

Тошкентда оғир атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Мутахассислар мусобақа ғолибларини шу йил ёзда АҚШда ўтказиладиган жаҳон биринчилиги ва Сидней олимпиадасига тайёргарлик кўришларини инобатга олдилар. 69 килограмм вазнли Александр Скоробогатовнинг даст кўтаришда 130 килограммли натижа билан Осиё рекордини ўрнатиши диққатга сазовор бўлди.

Осиё чемпионати бўлади

Халқаро шахмат федерацияси юртимизда иқтидорли шатранж усталари камол топаётганини инобатга олиб, Тошкентда Осиё чемпионатини ўтказишга розилик берди. Ўсмир ва қизлар ўртасида давом этаётган Ўзбекистон чемпионатида эса 80 нафар шахматчи ўз маҳоратини намойиш этмоқда. 7 имкониятда 5,5 тадан очко тўплаган Татьяна Лёвушкина, Севара Юсупалиева , ўсмирлардан 6,5 очко тўплаган Сергей Қаюмов ва 5,5 очколик Баҳодир Холмирзаевлар ғолибликка даъвогарлик қилишмоқда.

Кўз тегмасин

Мамалакат футбол миллий чемпионати иштирокчилари ўртасида учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди: «Зарафшон» — «Хоразм» — 0:1, «Андижон» — «Насаф» — 0:1, «Сурхон» — «Бухоро» — 4:2 , «Дўстлик» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Трактор» — «Металлург» — 2:1, «Самарқанд» — «Пахтакор» — 2:1, «Янгиер» — «Нефтчи» — 0:1, «Темирйўлчи» — «Навбаҳор» — 3:2. Ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олди:

Спорт

	ю	д	м	т	о
«Хоразм»	3	0	0	6-1	9
«Дўстлик»	2	1	0	6-3	7
«Самарқанд»	2	1	0	5-3	7
«Нефтчи»	2	1	0	4-2	7
«Сўғдиёна»	2	0	1	6-3	6
«Насаф»	2	0	1	6-4	6
«Пахтакор»	1	1	1	6-4	4
«Бухоро»	1	1	1	6-6	4
«Сурхон»	1	1	1	5-6	4
«Темирйўлчи»	1	1	1	4-6	4
«Навбаҳор»	1	0	2	6-5	3
«Трактор»	1	0	2	4-7	3
«Зарафшон»	0	1	2	3-6	1
«Металлург»	0	1	2	3-6	1
«Янгиер»	0	1	2	1-5	1
«Андижон»	0	0	3	2-6	0

Мавсум бошида илдамлаб олган ютади, дейишади. Кўриниб турибдики бу йилги мавсумда ўзига хос анъана бузилган. Яъни ҳаммага маълум «Нефтчи», «Пахтакор» ёки «Навбаҳор» жамоалари карвонбошилик қилиш ўрнига ҳеч ким кутмаган «Хоразм» пешқадам бўлиб турибди. Яна қандай ўзгаришлар бўлишини вақт кўрсатади. Ҳар қалай хоразмликларга омад тилаб, кўз тегмасин дегинг келади.

Хасталиклар армияси капитани

деб ном олган сил хасталиги (туберкулез) — юқумли касалликлар туркумига кириб, инсониятга қадимдан маълум.

Қадимги тош асри одамлари суяклари, Миср мўмиёлари қолдиқларида силга хос белгилар топилган. Жуда кўп одамлар ёстиғини қуритган бу даҳшатли касаллик ҳақида улуғ ватандошимов, зотилжам каби касалликлар ниқобида яшириниб, нафақат беморларни, балки баъзан шифокорларни чалғитади.

Хасталик вақт ўтиши билан зўрайиб инсон танасида чуқур газак олиб, силнинг яққол белгилари пайдо бўлади. Силдан «зҳарланиш» сабабсиз озиб кетиш, дармонсизлик, терлаш, кечга яқин ҳароратнинг 37,5 ва 37,6 даражага кўтарилиши билан намоён бўлади. Ўпка яллиғланиши белгилари: йўтал хуружи, балғам ташлаш, кўкрак қафасида оғриқ, баъзида қон ташлаш аломатлари юзага чиқади.

Бемор ўз вақтида шифокор — мутахассисга мурожаат қилмаса, унинг ўпкасида сил яллиғланиши чу-

Саломатлик сабоқлари

қурлашиб, кўпинча ўпкасида яра коваклар ҳосил бўлиши мумкин.

Баъзи бир одамлар орасида «Сил бедаво дард, уни даволаб бўлмайди, у суяк суради, яъни, наслдан наслга ўтади», деган нотўғри тушунча бор.

Ҳозирги замон тиббиёт фани силни нафақат ўз вақтида аниқлаш, балки асоратсиз даволаб, соғайтириб юбориш имкониятларига эгадир. Сил хасталигини имкон қадар барвақт аниқлаш зарур.

Бизда касалликларга чидаб, бир оз шамолласа, йўталса, «грипп» бўлса ҳам оёқда ўтказиб, ўзича даволаниб юриб, касаллиги ниҳоятда зўрайганда, тўшакка михланиб қолганидагина шифокорларга мурожаат қиладиган «ўзини аямаслик», ўзининг соғлиғига совуққонлик билан қараш одати, афсуски, бор.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, сил хасталиги баъзида белгиларсиз кечади. Касалликнинг бу бошланғич даврини фақатгина тиббиёт кўригида, аниқроғи флюрография-рентген текширув усулида аниқлаш мумкин. Баъзи бир беморлар «мен соппа-соғман», «ҳеч қанақа ўпкамда доғ бўлиши мумкин эмас» деб махсус шифохоналарда даволанишдан қатъиян бош тортадилар. Бир оз вақт ўтгач, касаллик газак олиб, беморнинг аҳволи оғирлашиб, шифокорга таҳрор мурожаат қилганда, афсуски, кеч бўлади, қимматли вақт қўлдан бой берилган бўлади.

Яна бир муҳим муаммо тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Сил хасталигидан соғайиш бемордан узоқ муддат қунт билан, сабр-тоқат билан даволанишни талаб этади.

Кўп йиллик шифокорлик тажрибам, кузатишларим шуни кўрсатдики, қачонки бемор шифокор ўгитларига қулоқ солиб уларни бекаму кўст, сидқидилдан бажарса, бу даҳшатли дард чангалидан батамом халос бўлади.

Ушбу касаликка эътиборсиз бўлган беморлар нафақат умрларига, балки оила аъзолари, яқин танишларига, атрофидаги инсонларга «Ажал уруғини сочиш» манбасига айланиб қоладилар. Бундай ҳоллар кўпинча фожиа — оилавий силга чалиниш ҳоллари билан тугаши сир эмас. Мана, сил суяк суришининг асосий илдизи қаерда.

Тошкент вилоятидан жуда оғир аҳволда 35 ёшлардаги йигит шифохонага олиб келинди. Маълум бўлишича, бемор охирги 1 йил давомида сил билан оғриб келган. Шифокорлар тавсиясига амал қилмай, табибга қатнаб даволанган. Даволаш учун керосин ичишни тавсия қилган чаласавод табибдан нима ҳам кутиш мумкин эди, ахир? Охироқибат айни кучга тўлган йигит ҳаётдан кўз юмди, фарзандлари етим қолди.

Беморлар шифохонага келар экан «Аввало Худо, сўнг сиз шифокорлар» дейишади. Тўғри, шифокорларимиз қўлидан келган барча чора-тадбирларни кўришади, керак бўлса бемор ҳаёти учун кеча-кундуз курашадилар. Лекин, яратган парвардигор бандасига «Сендан ҳаракат, мендан барокат» деган-ку. Хасталикни ўтказиб юбормасдан, нодонлик, жоҳиллик, ўжарлик ботқоғига ботмасдан шифокорларга мурожаат қилинса, «қирқигагина эмас, балки қирқ бирига ҳам чидаб» ишончи иродаси билан даволанса бу маккор хасталик чангалидан қутулиш мумкин.

Бу олий мақсадга эришиш учун эса нафақат тиббиёт ходимлари, балки жойлардаги ҳокимликлар, ишлаб чиқариш жамоалари, фуқаролар бир ёқадан бош чиқаришлари лозим.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
Тошкент Давлат шифокорлар малакасини ошириш институти профессори

1 апрель ҳазили

«Анқо»ни фақат ўқинг

Анқони кўрганмисиз? Ёки эшитганмисиз?

Мен кўрганман. Эшитганман ҳам.

У ноёб, топилмас матоҳ ёки ноёб одамлар-да. Мана, деярли ҳаммамиз десак ҳам бўлавераді, қўшиқни яхши кўрамиз. Машҳур кино юлдуз, қўшиқчиларнинг ашулаларигаку гап йўқ. Оҳ, эстрада юлдузлари бўлса борми? Жаҳон эстрада юлдузларининг концертига нима етсин. Бунинг йўли осон. Бу йил томоша залларимизга кўз кўриб қулоқ эшитмаган концерт шоулари билан «юлдузлар» дув-дув ёғармиш. Кимлар дейсизми. Улар ҳақида қисқача маълумот биздан. Мана, сизга «юлдузлар, истаганингизга чипта олинг.

Жаҳон эстрада қироли — Майкл Жексон ўзининг шахсий «Боинг» самолётидан тушибоқ тўппа-тўғри концерт залига бораркан. Бу ерда у (қиёфасини аллақачон ўзгартирган-да). «Тилини» ўзгартириб, ўзбекча қуйлашини маълум қилди.

Эстрада қироли билан бирга эстрада маликаси — Мадонна ҳам таниф буюради. Биласизки, Мадонна оддийликни ёқтиради. Шунданми, у классик услубда кийиниб, фойтунда — ёки Қўқон аравада келиши кутиляпти. Извошининг баҳоси 4 та вертолётнинг пулига тенг. Малика юртимизга қиладиган ихчам гастроли мўъжазгина «Тико»да шаҳар айланишдан бошламоқчи.

Миср лик хонанда юлдузларнинг малаги Хуршид Ханнинг либослари ортилган карвон йўлга чиққан. Унинг таъкидлашича, 1001 та ранг-баранг кўйлакларини Мария Лопснинг хусусий фирмаси тикиб берган. Классик услубда тикилган битта кўйлагини Мариянинг ўзиям қийиб олган.

Алиша Чунай ўзининг «Мире Индия» клипини ўзбек тилига ўгириб, аллақачон жўнатди. Ортидан ўзи ёлғиз келади.

Энди кино юлдузларни кутиб олинг.

Брит Пит-Голливуднинг энг ёрқин юлдузи биринчи бўлиб таниф буюради. У томошабинларга «даҳшат» фильмларидан саҳна намойиш этиб, сиз билан учрашади. Брит ҳам сиз билан таржимонсиз гаплашади. Бундоқ қарасангиз «даҳшат» учун гап-сўзга ҳожат ҳам йўқдай.

Деми Мурдай соҳибжамол актрисанинг мухлиси биздаям кўп. У ўғил кўришни орзу қилади. Қўша-қўша ўғиллик, Ҳасан-Ҳусанларнинг оналари билан алоҳида учрашув ўтказишни режалаштирган. Ўзи айтмаган бўлса-да, баъзи манбаларга қараганда эрини бутунлай ташлаб келмоқчи.

Юлдузлар... Эҳ-ҳе, улар жуда мўл-кўл. Ажабмас, шу куни киши бошига биттадан юлдуз «тушса». Машҳурлар билан учрашиш қандай яхши. Чунки улар ноёб истеъдод эгаси-да. Боя айтганимдай, ноёб, камёб одамлар-да.

Юлдузлар анқонинг ўзгинаси!

Демак, сиз ҳам энди анқони кўрасиз ва эшитасиз. Фақат анқони ўқиб кўя қолассангиз ундан ҳам яхши. Чиптамиз — шу.

Саида БОНУ

Тарих бугундан бошланади

Тарих фанлари доктори Розия Муқминова билан суҳбат

— Бугун тарихчи олимлар томонидан ёзма манбалардан олинган асл маълумотларга асосланган ва уларга танқидий ёндошган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида шаклланган давлатчиликнинг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳолатининг кўпгина муаммолари ўрганилмоқда. Бу борадаги тадқиқотлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Бундай изланишлар жумласига иқтисод, ижтимоий муносабатлар, Ўрта Осиё тарихий тараққиётининг турли босқичларидаги давлатчиликнинг маънавий-ҳуқуқий асослари каби масалалар кириб, улар давлатчиликнинг ажралмас қисми ва унга кўрсатган таъсири нуқтаи-назаридан ўрганилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва роли акс этган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозир Фанлар академиясининг Тарих институти соҳа марказларидан бирига айланди. Ҳозирда бу ерда тарих фанининг муҳим масалалари бўйича турли илмий семинарлар, хусусан Яҳё Ғуломов хотирасига бағишланган семинар мунтазам ишлаб турибди.

Бугунда турли манбаларни атрофлича ўрганиш учун ҳамма шароитлар яратилди. Энди олимларимиз бу борада чет эл фондларидан фойдаланиш имконига ҳам эга бўлиб бормоқдалар. Илмий ишларни нашр этиш имкониятлари кенгайди. Тарихчиларнинг орзуси рўёбга чиқди: «Ўзбекистон тарихи» журнали таъсис этилди ва унинг биринчи сони нашрдан чиқди. Институт жамоаси томонидан бир қанча илмий ва илмий-оммабоп ишлар тайёрланди ва уларни мунтазам нашр этиб туриш режалаштирилган. Институтимиздаги фан докторлари таркибининг ёшариб бораётганлигини ҳам алоҳида қайд этмоқ лозим.

— Сиз кўп чет элларда хизмат сафарида бўлгансиз. Чет эллик тарихчиларнинг Ўзбекистон тарихига бўлган қизиқиши қандай? Улар тарихимизнинг қайси жиҳатларини кўпроқ билишга интилади?

— Мустақил Ўзбекистонда илк бора илмий ходимлар, шу жумладан тарихчилар учун хорижий сафарларга бориш имкониятлари туғилди. Жумладан, мен ҳам бир қатор хорижий олий ўқув юртларининг аспирантлари, ўқитувчилари ҳамда студентларига маърузалар ўқишга, Япония, Франция, АҚШ, Канада, Германия, Туркия, Италияда ташкил этилган бир қанча конференцияларда иштирок этиш ва ушбу мамлакатлар олимлари билан биргаликда илмий ишлар нашр этишга муваффақ бўлдим. Ўзбекистон доимо Шарқ ва Ғарб оламини қизиқтириб келган. Юртга, унинг тарихига бўлган қизиқиш айниқса мустақиллик йилларида янада ошди. Хорижлик олимларни мустақиллик даврида тарихни ўрганиш борасидаги Ўзбекистон олимларининг ёндошувлари кўпроқ қизиқтирмоқда. Уларни нашрга тайёрланган янги ишларимиз ҳам қизиқтирмоқда.

Сўнгги йилларда хорижда Ўзбекистон тарихига оид бир қанча тадқиқотлар нашр этилди. Уларнинг айримлари биздаги учун ҳам катта қизиқиш уйғотади. Бизнинг олимларимиз билан биргаликда қўплаб илмий ишлар нашр этилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси илмий ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

— Ёш тарихчиларимиз ва уларнинг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?

— Олим бўлишни истаган замонавий ёшлар, менинг фикримча, ўз билимларини янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, уларни амалда жамият тараққиёти учун қўллашга ҳаракат қилаётганлиги билан ажралиб туради. Улар бирламчи ёзма манбалардан олинган конкрет фактлар таҳлилига асосланган ҳолда чиқарилган илмий хулосаларидан замонавий фан-техника ва саноат тараққиёти учун фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу билан улар Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ойгул СУЮНОВА суҳбатлашди.

Суратда: Розия Муқминова (ўртада) шогирдлари билан.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Собиқ котиб сеҳргар экан

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида дув-дув гап тарқалди. Нима эмиш, эски «селсовет» секретари қалбаки паспорт ясар экан. Қарачи, сенинг паспортинг ўзингникими?

— Ўзимники бўлмай, кимники бўларди. Мана, бобомнинг исми, сўнг ўзимники, ундан кейин дадамники ёзиб қўйилган.

— Мен уни айтмаяпман. У одам бировларнинг ҳужжатларидаги исмларни ўчириб ташлаб, бошқа бир одамнинг исм-шарифини ёзиб бераверар экан. Шундай қилиб, ўзига ҳам бир эмас, иккита «права» ёзиб олганмиш...

Дарҳақиқат, туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Олимжон Мажидовнинг маълум қилишича, қалбаки ҳужжатлар ясаш билан шуғулланиб келган фуқаро Муртазо Сатторов илгари «Шарқ юлдузи» фуқаролар йиғинида котиб бўлиб хизмат қилган. Экспертиза йўли билан текширилганда унинг иккита ҳайдовчилик гувоҳномасини ўз номига қалбакилаштириб олганлиги аниқланган. Уйи тинтув қилинганида ҳарбий гувоҳнома, ҳайдовчилик, туғилганлик, никоҳни қайд этиш тўғрисидаги гувоҳномалар ва шу ерда яшовчи аҳолини ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш учун ишлатиладиган муҳрлар ҳамда тамғалар топилган.

Собиқ котибнинг ўз жиянини 1,5 йиллик ҳарбий хизматга юбормай, уни бирпасда ҳарбий хизматни ўтаганлар сафига қўшиб қўйгани, жиянга маза бўлдию, аммо тоғага азоб бўлди. Чунки, ички ишлар ходимлари бунақа бўлиши мумкин эмас, деб тоғанинг бошини қотираяпти. Устига-устак, ушбу котибнинг «сеҳри» билан қозоғистонлик келинини бирпасда ўзбекистонлик қилиб олган шу ерда яшовчи фуқаролардан бири, бундай бўлишини билганимда сираям Қозоғистондан келин олмасдим, деб афсус чекмоқда. Нега дейсизми? Ушбу котиб тўйда келин-куёвга тантанали равишда топширган никоҳни қайд қилиш гувоҳномаси сохта чиқибди.

Собиқ котибнинг яна бир «ихтироси» шундаки, у бундан уч йил муқаддам ҳали туғилмаган гўдакни ҳам дунёга келтириб, унинг номига гувоҳнома бериб юборган. Ва шунинг учун судланган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган. Қолаверса, бу воқеани ўша вақтда биров билиб-биров билмаган. Боиси, Сирдарёда бўлиб ўтган судда у афв этиш билан бу қилмишига яраша жазодан қутулиб қолган.

Хуллас, сеҳргар собиқ котибнинг бошқа «ихтиро»лари билан кейинчалик танишасиз.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция капитани

«Депозит-сервис»

депозит компанияси акционерлик жамияти акционерларининг янги умумий мажлиси овозлар етишмаганлиги сабабли 1999 йилнинг 17 апрелида компания биносида соат 10⁰⁰ да бўлиб ўтади.

«Элтранс»

таъмирлаш очиқ турдаги акционерлик жамияти

Буюртмачи хоҳлаган ҳажмларда турли металл буюмларни:

- *Металл эшиклар*
- *Металл дарвозалар*
- *Гаражлар*
- *Металл тўсиқлар*
- *Чўян ва алюминий қуйилмаларидан дераза панжараларини*

Тайёрлаб беради

Тўлов усули — турлича

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Абдурауф Фитрат кўчаси, 180-Б
Телефонлар: (3712) 191-15-60, 191-39-11.

«Ўзбектелефильм» студиясининг жамоаси студия бош муҳосиби **Нишонбоева Зулфи ОРТИҚМАТОВНА** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 24.045 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0265

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА